Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Confederation

Federal Department of Justice and Police FDJP
**State Secretariat for Migration SEM**

# Кабаре раққосаларига тегишли маком 2016 йил 1 январда бекор қилинади

Кабаре раққосаси сифатида виза ёки рухсатнома берилиши учун камида тўрт ойлик мажбурият бўлиши зарур. Бинобарин, ишлаш рухсатномалари фақат **2015 йил августи охиригача берилади, уларнинг амал қилиш муддати эса 2015** йил декабригача бўлиши мумкин. **2015 йил 31 декабрдан кейин** Швейцарияда кабаре раққосаси сифатида ишлаш **мумкин бўлмайди**.

## Кабаре раққосаси макомини бекор қилиш сабаблари қуйидагича

- Раққосаларнинг эксплуатациядан етарли ҳимояланмаганлиги;
- Одам савдоси хавфи борлиги;
- Меҳнат шароитларининг ёмонлиги;
- Маошларнинг вақтида тўланмаслиги ёки умуман тўланмаслиги;
- Кантонларнинг ярмида бундай маком аллақачон бекор қилинганлиги.



# ЕИ/ЕЭСШ мамлакати фуқароси бўлмаган кабаре раққосалари учун маълумот

## РУХСАТНОМАСИЗ иш йўқ

Швейцарияда ишлаш рухсатномасисиз ишлаётган ҳар бир шахс **жазога тортилиши лозим бўлади** (бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима солиш). Худди шу қоида чет эл фуқаросини ишлаш рухсатномасисиз иш билан таъминланган шахс учун ҳам амал қилади.

Швейцарияда ноқонуний тураётган **ҳар бир киши** Швейцариядан **чиқариб юборилиши** ҳамда Шенген ҳудудига **кириши тақиқланиши лозим бўлади**.

**Одам савдоси қурбонлари ёки гувоҳлари (эркак ва аёллар)** учун **даволаниш ва дам** олиш муҳлати берилади (камида 30 кун). Ушбу муҳлат ичида мамлакатдан чиқариб юбориш қўлланмайди. Қурбон кейинчалик ҳукумат билан ҳамкорлик қилишга тайёр бўлса, ушбу иш кўриб чиқилиши вақтига **вақтинчалик туриш** ҳуқуқи берилади. Жиддий **қийинчилик ҳолатида** қўшимча туриш муҳлати берилиши мумкин.

## Боғланиш

**Кантон ҳукумати**
www.sem.admin.ch
→ About us → Contact → Cantonal authorities
→ Cantonal immigration and labour market authorities

**ЕИ/ЕЭСШ мамлакати фуқароси бўлмаган шахслар учун ишга жойлашиш бўйича қўшимча маълумот**
www.sem.admin.ch
→ Entry & Residence → Labour / Work permits
→ Non-EU/EFTA nationals

*Миграция бўйича давлат котибияти, 2015 йил*

*Photo: Christophe Chammartin*